



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

**Давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш
комиссиясининг илмий-ахборот маркази**


**«Фермер хўжаликлари даласида сувнинг махсулдорлигини
ошириш» лойиҳаси**

Фермерларга маслаҳат кўрсатиш хизмати

**Б Ю Л Л Е Т Е Н
АХБОРОТНОМА**

(Бугдой уруғчилиги буйича тавсиянома)

(Сентябрь)



Анджон ахборот маркази

Полавчанка нави.

Краснодар қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтида яратилган. Кузги юмшоқ буғдой. Ўрта пишар, бўйи 105-110 см. Бошоғининг узунлиги 9-11 см, қилтириқсиз, 1000 та донининг вазни 40-44 гр, яхши тўплайди. Ётиб қолишга чидамли. Занг касалликлари қоракуя, ўн шудринг ва бошок фузариозига ўта чидамли. Кимёвий ишлов беришни талаб қилмайди. Ҳарактерли хусусиятларидан бири илдиз системаси кучли ривожланиши ҳисобига шўрланган майдонларга экилганда ҳам ҳосилдорлиги жиҳатидан яхши натижа беради.

Ўтмишдош экинларни танламайди. Сувга ва минерал ўғитларга талабчан. Экиш меъёри ҳар бир гектар майдонга 405-505 млн, унувчан уруғ ҳисобида.

1-30 октябргача бўлган муддатда экиш энг мақбул ҳисобланади. Ўртача ҳосилдорлиги 75-80 центнер. Андижон ғалла-дон дуккакли экинлар илмий тадқиқот институтининг Фарғона филиалида гектаридан 74 центнердан, Хоразм филиалида 69 центнердан ва Бухоро филиалида 63 центнердан ҳосил олинган.

Крошка нави.

Краснодар қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институтида яратилган. Кузги юмшоқ буғдой. Ўрта пишар, бўйи 85-90 см, қилтириқсиз. Донининг таркибига кўра «қимматбаҳо» буғдойлар турига киради. Дони қизил, 1000 та донининг вазни 48-49 гр. Ётиб қолишга чидамли. Барча касалликларга дала шароитида ўртача чидамли. Сарик занг касаллиги билан 1999 йилда 10-15 % зарарланаган. Совуққа чидамлилиги юқори. Экиш меъёри 5,0-5,5 млн унувчан уруғ. Экиш муддати 1-25 октябргача. Кеч муддатларда экиш тавсия этилмайди. Сувга ва минерал ўғитларга ўта талабчан. Андижон вилояти хўжаликларида ва институт тажриба даласида ўртача 70-74 центнердан, институтнинг Бухоро филиалида 73 центнердан ва Наманган филиалида 61 центнердан ҳосил олинган.

“ Краснодарская – 99”

П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институти ва Шимолий Кубан қишлоқ хўжалик тажриба станцияси билан ҳамкорликда яратилган. Ўзбекистон Республикасида 2006 йилдан экилади.

Паст бўйли, ўсимлик баландлиги 90 см га яқин, ётиб қолишликга чидамлилиги ўта юқори. Ўртапишар. Бошоғи цилиндрсимон ва зич, ўртача узунликда. Дони тухумсимон, йирик, дон чоки чуқур эмас. Нав ҳосилдор, ҳосилдорлиги гектаридан 72.6 центнерни ташкил этади. Чанг қоракуяга чидамлилиги юқори, сарик ва поя зангига чидамли, Қурғоқчиликка чидамли, совуққа чидамлилиги ўртачадан юқори.

Экиш муддати – минтақа учун мақбул муддатлар ҳисобланади. Экиш меъёри 5 млн дона унувчан уруғ ҳисобида белгиланади.

Андижон -2 нави.

Кузги юмшоқ буғдой ўртапишар, поясининг бўйи 100-105 см ётиб қолишга чидамли. Бошоғи йирик қилтириқсиз, цилиндрсимон, узунлиги 9-11 см. Дони қизил ўртача катталиқда, 1000 дон дон вази 42 грамм, сифат кўрсаткичлари бўйича қимматбаҳо буғдой ҳисобланади. Дала шароитида замбуруғ касалликларини барча турларига чидамли. Экиш меъёри гектарига 4,0-4,5 млн унувчан уруғ ҳисобида. Экиш муддати ҳар бир минтақа учун мақбул муддат ҳисобланади. Минерал ўғитларга талабчан. Ўртача ҳосилдорлиги 76 центнер. Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтида яратилган.

Замин-1 нави.

Нав илмий ишлаб чиқариш селекция ва уруғчилик марказининг «Замин» нав синаш тажриба участкасида яратилган. Бу нав «Санзор-8» х «Паразипи» навининг чатиштириш йўли билан гибридан комбинация орқали танлаб олинган. «Замин-1» нави 2003 йил Давлат нав синаш участкаларига берилиб 2003-2005 йиллар мобайнида Шаҳрисабз ва Бешариқ ДНУ ларида синовдан ўтказилган, дони ўртача ва йирик кўринишда бўлиб 1000 дон донининг оғирлиги 44 граммдан 47,8 граммгача. Нав ўрта бўйли ётиб қолишга чидамли ва дони тўқилмайди. Кузги ва баҳорги навлар таркибига кириб совуққа чидамли.

Кашкадарё вилояти шароитида 7901 центнер ҳосил олинган. Биринчи йил экиш мобайнида касалликлар билан зарарланиш кузатилмаган. Донининг сифатига кўра қимматбаҳо буғдой таркибига киради.

“Чиллаки”

Суғориладиган ерларда ғалла ва дуккакли ўсимликлар илмий тадқиқот институтида П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар қишлоқ хўжалик илмий тадқиқот институти билан ҳамкорликда яратилган. Ўзбекистонни суғориладиган ер майдонларига экиш учун 2002 йилдан давлат реестрига киритилган.

Нав ўта эрта пишар, паст бўйли (85-95 см), ётиб қолишга чидамли. Совуққа чидамлилиги ўртача, қурғоқчиликка чидамли, ўртачадан паст даражада сариқ занг ва бошоқ фузариози билан касалланиши мумкин. Қора куя касалликларига чидамли. Нав ўта эртапишар бўлганлиги сабабли бу касалликлар нав ҳосилдорлигига ўз салбий таъсирини кўрсатолмайди.

Янги навлар

Восторг

Краснодар кишлок хўжалик илмий тадқиқот институтида яратилган. Кузги юмшоқ буғдой. Умумий характеристикаси. Ушбу навнинг пояси 65-85 см ўсади. Пакана ўрта пишар. Дони тухумсимон, йирик, уруғни экиш чуқурлиги 3-4 см. Доннинг сифати олий – юқори кўрсаткичга эга, 1000 дона донининг вазни 43-45 грамм.

Ушбу нав – кўнғир, сариқ, пояси занг касалликларига, қорақуя касаллигига ва ётиб қолишга чидамли. Экиш муддати сентябрь ойининг иккинчи ярими ва октябрь ойлари. Экиш нормаси 1 гектар майдонга 5 млн унувчан уруғ сарфланади. Агар экиш муддати кечикса 1 гектар майдонга 6 млн гача оширилади.

Таня

Краснодар кишлок хўжалик илмий тадқиқот институтида яратилган.

Ўтмишдош экинларни танламайди. Кам ҳосилли ерларда ҳам етарли миқдорда минерал ўғит солинганда юқори ҳосил бераверади. Бу нав яхши чайлайди. Дони йирик тухумсимон, ҳосилдорлиги 97-122 ц/га. 1000 дона уруғнинг вазни 45-47 грамм кучли буғдой турига киради. Ётиб қолишга чидамли. Барча касалликларга дала шароитида ўртача чидамли. Қурғоқчилик ва совуққа чидамлилиги юқори. Экиш меъёри 1 гектар ерга 230-240 кг ёки 5 млн унувчан уруғ сарфлаш лозим.

Память

Ушбу нав П.П. Лукьяненко номидаги Краснодар кишлок хўжалик илмий тадқиқот институти илмий ходимлари томонидан яратилган.

Память буғдой нави турли иқлим шароитга мос бўлиб, қурғоқчиликка чидамлидир. Бу навнинг бўйи ўртача 95-100 см, пояси ётиб қолмайди. Ўрта пишар, ҳар гектар ердан 90 ц/га ҳосил беради. Ушбу нав дони “кучли” буғдой нави турига киради. Ушбу нав занг ва қорақуя касалликларига чидамли. Қурғоқчилик васовуққа чидамли. Ўтмишдош экинларни танламайди. Минерал ўғитларга талабчан. Экиш муддати сентябрь ойининг иккинчи ярими ва октябрь ойлари. Экиш меъёри ҳар гектар ерга 5 млн дона унувчан уруғ сарфланади.

Кума

Краснодар кишлок хўжалик илмий тадқиқот институтида яратилган. Кузги юмшоқ буғдой турига киради. Умумий характеристикаси. Пояси калта, юна сортига нисбатан 2-3 см баланд, ётиб қолмайди. Эрта пишар. Дони тухумсимон қизил. Ҳосилдорлиги ўртача 100.2 ц/га, дони таркибида оксил ва клейковинга бой, сариқ, кўнғир касалликларга чидамли. Экиш муддати сентябрь ойининг 3 ўн кунлиги ва октябрь ойлари. Экиш нормаси 1 гектарга 5 млн дона унувчан уруғ сарфланади.